


## Имрон ибн Ҳусойн розияллоҳу анҳудан



06:10 / 04.09.2018 3170

Имрон ибн Ҳусойн розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

**«Сизларнинг яхшиларингиз менинг замондошларимдир. Сўнгра улардан кейин келганлардир, сўнгра улардан кейин келганлардир.**

– Имрон: Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам икки марта ёки уч марта айтдиларми, билмайман», деди. – **Кейин шундай бир қавм келадики, улар гувоҳлик сўралмаган ҳолда гувоҳлик беришади, хиёнат қилишади, омонатдор бўлишмайди, назр қилиб, вафо қилишмайди, уларда семизлик зоҳир бўлади».**

Муттафақун алайҳ.